

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

24-сон
(108)
2004 й.
июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-хуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

272. «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 274-сон қарори
273. «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарори
274. «Тошшаҳарйўловчitrans» давлат уюшмасини «Тошшаҳарйўловчitrans» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 277-сон қарори
275. «Ўзбекистон муалифлик хуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги 286-сон қарори
276. «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июндаги 288-сон қарори

Бешинчи бўлум

277. «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иктисодий ҳамкорлик битимлари имзоланган мамлакатлар рўйхатига кўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 29 апрелдаги НН-01 / 10-1693, 71, 01-02 / 1-25-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 июнда 426-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
278. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида тузиладиган бартер контрактлари (шартномалари, битимлари)ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 5 майдаги НН-01 / 10-1325, 72, 01-02 / 19-26-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 июнда 989-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
279. «Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини тартибига солиниши муносабати билан уларнинг устав фондларини қайта ҳисоблаш услубиётини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорлини қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 3 июндаги 01 / 06-11-сон қарори. (*2004 йил 14 июнда давлат реестридан чиқарилди*)
280. «Монопол маҳсулоталар, ҳом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2004 йил 11 майдаги 5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 июнда 1369-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
281. «Қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назоарт қилиш маркази Бош директорининг 2004 йил 3 июндаги 2004-10-сон бўйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 июнда 860-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
282. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 4 июндаги 2004-38, 01-02 / 8-27-сон қарори. (*2004 йил 14 июнда давлат реестридан чиқарилди*)
283. «Оилавий болалар уйи тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2004 йил 17 июндаги 125-сон бўйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 июнда 1370-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
284. «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил фалла ҳосилини ўриш

бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 31 майдаги 34, 79-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 18 июнда 1371-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 11 июндан 18 июнгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

272 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолияти-ни янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг ташкилий тузилмаси, Агентлик марказий аппаратининг ходимларининг чекланган умумий сони 64 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 51 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофик;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофик;

Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш марказининг, Қорақалпогистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг тузилмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4—6-иловаларга мувофик тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорига марказий аппарат тузилмасига, зарурат бўлганда, ходимларнинг чекланган умумий сони ҳамда уларни таъминлаш маблағлари доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсин.

3. Қуидагиларга:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Агентлик тизимида нашриётлар ва матбаа корхоналари негизида нашриёт-матбаа ижодий уйлари ташкил этиш;

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Жамиятга қарашли босмахонани давлат корхонаси сифатида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ихтиёрига бериш;

А. Қодирий номидаги ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги нашриётлар ижодий жамоаларининг уларни «Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси» давлат илмий нашриётiga қўшиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси» давлат илмий нашриёти тўғрисидаги низомни ҳамда унга А. Қодирий номидаги ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги нашриётларнинг қўшилишини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили республика бюджетини шакллантиришда Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ҳамда унинг худудий бўлимлари таъминотига ва моддий-техника базасини мустахкамлашга зарур маблағлар, шунингдек битта енгил автомобиль харатларига лимит ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбе-

кистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ҳамда унинг худудий бўлимларини телерадиоэшиттиришларни ёзиб олиш ва архивлаштириш учун техник воситалар билан таъминлашни 2004 йил ва 2005 йил инвестиция дастурларига киритсинлар.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 20 марта 154-сон қарорининг 6-банди ҳамда қарорга 2, 2а-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 3 июлдаги 241-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 7-сон, 37-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 июнь,
274-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июнданги 274-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқарувининг
ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июнданги 274-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий
аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 274-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) оммавий ахборот воситалари, ахборотлар алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ҳамда даврий нашрларни тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ҳисоб беради.

2. Агентлик тизимида Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) ҳамда Агентликка қарашли бошқа ташкилотлар киради.

Ҳудудий бошқармалар икки томонлама бўйсунадилар ҳамда тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳисоб берадилар.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликни, унинг ҳудудий бошқармаларини моддий-техник таъминлаш ва Агентлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Агентликка қарашли ташкилотларнинг шартнома асосидаги ажратмалари, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

6. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятни амалга оширишга бўлган конституциявий ҳукуқларига ва тегишли қонун ҳужжатларига, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатларига сўзсиз риоя қилиниши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотлар олишга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, аҳолининг, энг аввало, ўсиб келаётган авлоднинг таълим, маънавий ва

маданий даражасини ошириш, уларни миллий мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишларини ва матбаачиликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан кўрсатиб ўтилган фаолият турларини рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

республика фуқаролари ва юридик шахсларининг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги хукуқлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил этиш;

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, оммавий ахборот воситалари учун ахборот бозорида тенг шарт-шароитларни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, даврий нашрларни тарқатиш соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш;

рекламалар тайёрлаш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техникавий базасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

8. Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қўйидаги функцияларни амалга оширади:

матбаачилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказади;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил этади;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил қиласди;

қонун ҳужжатларига, рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш шартларига риоя этилишини назорат қиласди, оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса — рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномалар ва лицензияларнинг амал қилишини белгиланган тартибида тўхтатиб туради ва тўхтатади;

техник, шунингдек бошқа нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда техникавий базани ривожлантириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Агентлик ваколатига киритилган соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи бошқа органларга кўмаклашади;

Агентлик ваколатига киравчи тармоқларни ривожлантириш прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқади;

Агентлик фаолиятига тааллуқли иқтисодий, ижтимоий, техникавий, хукуқий муаммоларни таҳлил қиласди ҳамда уларни ҳал этиш, шу жумладан таклифлар, тегишли қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Агентлик тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қиласди ва улар

фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг моддий-техникавий таъминотига кўмаклашади;

матбуот ва ахборот соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради, халқаро ташкилотларнинг Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ишларида катнашади.

III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларидан ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, хужжатлар ва материалларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда сўраб олиш;

қонун лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тадқиқот ишларини амалга ошириш ва консультациялар учун илмий ташкилотларни, давлат органлари ходимларини, мутахассислар ва эксперталарни, шу жумладан хорижий мутахассислар ва эксперталарни белгиланган тартибда жалб этиш, вактинчалик ижодий жамоалар ташкил қилиш;

ўз ваколати доирасида, қонун хужжатларида белгиланган тартибда, матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузәётган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар (такдимномалар) бериш.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатлар чиқаришга ҳақлиdir.

Агентлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа хужжатлар қабул қилишга ҳақlidir.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

12. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг оммавий ахборот воситаларини цензура қилиши, материалларни таҳрир қилиши ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига бошқа ҳар қандай шаклда ноқонуний аралашиши қатъян тақиқланади.

IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

13. Агентликка қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қиласи.

Бош директорнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Бош директор мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директор ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

14. Бош директор:

Агентлик фаолиятига яккабошчилик асосида раҳбарлик қилади ва Агентликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Агентликнинг марказий аппарати ходимларини ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Бош директорнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Агентликнинг мансабдор шахслари, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чикаради ва кўрсатмалар беради, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси ва штат жадвалини, матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари ходимлари сонини, шунингдек маблағ ажратишнинг тегишли даври учун давлат бюджетида тасдиқланган доирада уларнинг таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентликнинг таркибий ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, Агентликка қарашли ташкилотларнинг низомларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Бош директор қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Агентликда таркибига Бош директор (ҳайъат раиси) ва Бош директорнинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникациялар, матбуот, нашриётлар ва матбаа соҳасидаги бошқа раҳбар ходимлар, шунингдек Бош директорнинг тавсияси бўйича бошқа шахслар кирадиган 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат Агентлик фаолиятини прогнозлаш билан боғлиқ асосий масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, Бош директор буйруқлари билан амалга оширилади. Бош директор билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан тақдирда бош директор узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.


16. Ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари билан келишган ҳолда Агентлик томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари тегишли равиша Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимларининг тақдимномасига биноан Бош директор томонидан тайинланади.

17. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигини тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июнданги 274-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш
марказининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 18 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 18 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 274-сон қарорига
5-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот
аентлигининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 14 киши, шу жумладан
бошқарув ходимлари — 11 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 274-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 274-сон қарорига
б-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари
ходимларининг чекланган сони**

		Ходимларнинг чекланган умумий сони	Бошқарув ходимлари сони	Шу жумладан:		Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар
				хўжалик ҳисобидан таъминланади	бюджетдан таъминланади	
1.	Андижон вилояти	10	8	5	3	2
2.	Бухоро вилояти	11	8,5	5,5	3	2,5
3.	Жиззах вилояти	10	8	5	3	2
4.	Қашқадарё вилояти	11	8,5	5,5	3	2,5
5.	Навоий вилояти	11	8,5	5,5	3	2,5
6.	Наманган вилояти	11,5	9	6	3	2,5
7.	Самарқанд вилояти	12	9,5	5,5	4	2,5
8.	Сирдарё вилояти	10	8	6	2	2
9.	Сурхондарё вилояти	11	8,5	5,5	3	2,5
10.	Тошкент вилояти	10	8	6	2	2
11.	Фарғона вилояти	12	9,5	5,5	4	2,5
12.	Хоразм вилояти	11	8,5	5,5	3	2,5
13.	Тошкент шаҳри	13,5	10,5	6,5	4	3
Жами:		144	113	73	40	31

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

273 Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссия икки ҳафта муддатда:

Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссияси ҳамда эксперт хулосаларни тайёрлаш ишчи гурухи тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

эксперт хулосалар тайёрлаш ишчи гурухининг шахсий таркибини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан ва баъзиларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 июнь,
275-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июндаги 275-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ноширлик фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Лицензия олиш:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, судлар, прокуратура органлари томонидан расмий материаллар, норматив хужжатлар тўпламлари ва бошқа хужжатларни нашр этишда;

корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалар томонидан ўз фаолияти учун зарур бўлган ва қўлёзма хукуқлари билан оммавий равишда тарқатиш ёки кўпайтириш учун мўлжалланмаган материалларни нашр этишда;

мазкур оммавий ахборот воситалари таҳририятлари томонидан оммавий ахборотнинг матбаа воситаларини нашр этишда талаб қилинмайди.

* 2-илова берилмайди.

3. Лицензияларни бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Махкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Комиссия фаолияти унинг томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Лицензиялар бериш ёки уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш, тайёrlаш ва Комиссия мажлисига киритиш учун Агентликда ишчи гурух тузилади. Ишчи гурухнинг шахсий таркиби Комиссия томонидан тасдиқланади.

4. Юридик шахслар лицензиялар талабгорлари бўлиши мумкин.

5. Ноширлик фаолиятини амалга ошириш хукуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

6. Ноширлик фаолиятини амалга ошириш хукуқига лицензиялар 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талаборининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Куйидагилар ноширлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

ноширлик фаолияти соҳасидаги конун хужжатларига, норматив-техник ва бошқа талабларга мажбурий риоя этиш;

урушни тарғиб қилиш, давлат тузумини конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, мамлакатда хавфсизликни ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни, жамиятнинг хукуқий ва маънавий асосларини, фуқаролар тотувлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни бузиш, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотларни тарқатиш ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини бузиб кўрсатиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган матбаа маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатишга йўл қўймаслик;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситаларининг мавжудлиги;

лицензияда кўрсатилган ихтисос бўйича ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

ноширлик-матбаа сифатининг амалдаги талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш;

муаллифлик хукуқига риоя қилиш;

лицензиат томонидан тайёрланган матбаа маҳсулотларининг (шу жумладан мазкур маҳсулот таркибига кирган асарларининг) нусхалари, тайёрланган нусхалар сони, шунингдек лицензиат ёхуд буюртмачининг нашр этишга хукуқини (лицензиат томонидан муаллифлик хукуқларига риоя қилиниши) тасдиқловчи хужжатлар хисобининг юритилиши;

лицензиат томонидан ноширлик фаолиятининг ёнғин хавфсизлиги қоидалари, санитария-гигиена нормалари, меҳнатни (ишлаб чиқаришни) муҳофаза қилиш талабларига жавоб берадиган бино ва хоналарда амалга оширилиши;

лицензиат томонидан хоналар, технологик асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситаларини, шунингдек ноширлик фаолиятида фойдаланиладиган сарфланувчи материалларни ишончли кўриқлашнинг таъминланиши;

юридик шахс штатида тегишли олий ёки ўрта маъсус маълумотга ва ноширлик ишида камида З йиллик иш тажрибасига эга бўлган камида бир нафар ходимнинг мавжудлиги.

8. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 7-бандида қайд этилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда қўйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (пошта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги хисоб рақами;

фамилияси, исми, отасининг исми, лицензия талабори — юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

фаолиятнинг лицензияланётган тури ва мазкур фаолият тури амалга ошириладиган муддат;

ихтисослашуви;

маблағ билан таъминлаш манбалари;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабори томонидан йиғим тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;

г) фаолиятнинг лицензияланётган турини амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) юридик шахс ходимларида тегишли олий ёки ўрта маъсус маълумотнинг ва ноширлик ишида камида З йиллик иш тажрибасининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси).

10. Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабори томонидан Агентликка бевосита ёхуд уларнинг олинганилиги тўғрисидаги билдиришнома билан пошта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи гурухнинг раҳбари томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белгли кўйилган холда аризачига юборилади (топширилади). Ишчи гурух раҳбари вактинча жойида бўлмаган тақдирда унинг функциясини ишчи гурух раҳбари белгилайдиган шахс бажаради.

12. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиққанлик учун йифим суммаси Агентликнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йифим суммаси қайтарилмайди.

14. Ноширлик фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талаборига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талаборининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинади.

Ишчи гурӯҳ ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хуносаси тайёрлайди ва лицензия талаборига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ишчи гурӯҳ зарур ҳолларда лицензия талаблари ва шартларининг лицензия талабори томонидан бажарилиши имкониятини жойига борган ҳолда ўрганиш хукуқига эга.

Комиссия ишчи гурӯҳ таклифи олингандан кейин ўн беш кундан ошмайдиган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилган қарор протоколини Комиссия раиси (унинг ўринбосари) тасдиқлайди. Зарур ҳолларда Комиссия қарори сўров ўйли билан қабул қилиниши мумкин.

15. Агентлик лицензия талаборини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнida хабардор қиласди.

Лицензия бериш юзасидан қарор қабул қилингани тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда жўнатилади (тақдим этилади).

Лицензия битими Агентлик билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда куйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини Агентлик томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва Агентлик учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва Агентлик буюртмаси бўйича босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Агентлик раҳбари лицензия бланкаларини ҳисобга олиш, саклаш ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Лицензиялар Агентлик томонидан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

17. Лицензия лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги хақида билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликка лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлиdir.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек ишчи гурух ва Агентлик мансабдор шахсининг хатти-харакати (харакатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқукига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабори томонидан лицензия беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талаборининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган қундан бошлаб ўн қундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи гурух ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар бўйича эксперт хulosаси тайёрлайди ва лицензия талаборига лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги таклифи тегишли қарор протоколи лойихаси билан бирга Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия ишчи гурух ҳужжатларни тақдим этилгандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия қабул қилган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талаборларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Агентликка кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Агентлик лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш Агентлик то-

монидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йигим ундирилади. Йигим суммаси Агентликнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Агентлика лицензиянинг амал қилиш муддати тугагунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талаборининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йигим ундирилади. Йигим суммаси Агентликнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия шартлари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш Агентлик томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни амалга оширишда Агентлик ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензиатдан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг лицензиат томонидан аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ноширилик фаолиятининг лицензиясиз амалга оширилишининг аниқланган фактлари тўғрисидаги материалларни қонунчиликда назарда тутилган чоралар кўриш учун солик органларига белгиланган тартибда жўнатиш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда Агенликнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси Агентликда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Агентлик томонидан амалга оширилади.

Агентликнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензия амал қилишининг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб эътироф этилган тақдирда, Агентлик лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар микдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатишнинг асоссизлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида унинг кўрган зарари микдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияни бекор қилишнинг асоссизлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида унинг кўрган зарари микдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

33. Агентлик лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-хуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

солик тўловчининг идентификация тартиб рақами;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтиши, тўхтатиб туриш ва амал қилишини тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очик хисобланади, улар Агентликда ҳақ тўла-

ган холда муайян лицензиатлар тўғрисидаги маълумотларни лицензиялар реестридан кўчирма тарзида олиш хуқуқига эгадирлар.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов Агентликнинг банкдаги хисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текин берилади.

35. Реестрдан маълумотлар бериш муддати (унинг берилиши учун ҳақ тўланганлиги тўғрисида хужжат тақдим этилган тақдирда) тегишли сўров берилган санадан бошлаб уч кундан ошиши мумкин эмас.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби


36. Ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўлов кунида қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Болалар адабиётлари, норматив маълумотномалар, илмий-техника адабиётлари, маълумотнома-қомусий китоблар, шунингдек ногиронлар учун мўлжалланган адабиётлар нашр этишга ихтисослашаётган нашриётлар давлат божини белгиланган миқдорнинг 50 фоизи миқдорида тўлайдилар.

Давлат божи республика бюджети даромадига ўтказилади.

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июнданги 275-сон қарорига
3-ИЛОВА

I. Ҳукуматнинг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 11 августдаги 393-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا ўзгаришилар киритиш тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги 305-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 49-модда) илованинг 2-банди.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 июнданги 241-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тўғрисидаги низомда:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «нашриёт-матбаа» сўзлари «матбаа» сўзи билан алмаштирилсин;

7-банддаги «нашриётлар ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

274 «Тошшаҳарийўловчitrans» давлат уюшмасини «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш билан банд бўлган корхоналар ва ташкилотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти давлат уюшмаси «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясига айлантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компанияси «Тошшаҳарийўловчitrans» давлат уюшмасининг хукуқлари ва мажбуриятлари бўйича хукуқий вориси хисобланади.

2. Қуйидагилар «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

шахар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришнинг истиқболли стратегисини белгилаш, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа манбаатдор ташкилотлар билан биргаликда йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришга йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва шаҳар транспорт хизматлари бозорида рақобат мұхитини шакллантириш;

Тошкент шаҳар аҳолисининг шаҳар йўловчилар ташиш транспорти хизматла-рига эҳтиёжини қондириш, шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг иқтисодий фойдали ва экология жиҳатидан тоза турларини комплекс ривожлантириш;

йўловчилар ташиш транспортида йўл ҳаракати хавфсизлигининг юкори дара-жасини таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таш-кил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда:

асосий фондларни 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг устав жам-ғармасини «Тошшаҳарийўловчitrans» давлат уюшмаси мол-мулки қиймати, шунингдек корхоналар мол-мулки қиймати ҳамда 1 ва 2-иловаларга мувофиқ акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлат пакетлари ҳисобига шакллантирсин;

2-иловага мувофиқ корхоналарнинг устав фондларидаги акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини (улушни) уларни сотиш вақтигача «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясига ишончли бошқарувга белгиланган тартибда берсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Тошшаҳарийўловчitrans» давлат уюшмасини Акциядорлик компаниясига айлантириш жараёнида чиқарилган акциялар давлат мулки ҳисобланади ва улар сотилмайди ёки бошқача тарзда бегоналаштирилмайди, гаров предмети бўлиши, шунингдек иккиласми чимматбаҳо қофозлар чиқариш учун таъминловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас;

«Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг 1-иловага мувофиқ корхоналари акциялаштирилмайди.

5. Қўйидагилар:

«Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

«Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг ходимларнинг чекланган умумий сони 54 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 37 киши бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 4-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компания бошқаруви ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва улар таъминотига ҳаражатлар доирасида ўзгартиришлар киритишга руҳсат берилсин.

6. Белгилансинки, 5-иловага* мувофиқ таркибда 7 кишидан иборат шакллантириладиган Компания кенгаши «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компанияси бошқарувининг юкори органи ҳисобланади.

«Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компанияси бошқаруви 4 нафар аъзолардан, шу жумладан раис ва унинг уч нафар ўринбосарларидан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари Компания кенгashi тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар.

7. «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компаниясининг Компания кенгashi уставни тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилигига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридан Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Тош-

* 5-илова берилмайди.

шахарийўловчитранс» акциядорлик компаниясининг чиқарилган акцияларини, эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказиш учун йифим ундирамасдан, давлат рўйхатидан ўтказсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 6-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 11 июнь,
277-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июндаги 277-сон қарорига
1-ИЛОВА

Мол-мулки «Тошхаҳарийўловчитранс» акциядорлик компаниясининг устав жамғармасига бериладиган унитар корхоналар рўйхати

1. 2519-автоколонна
2. Тошкент метрополитени
3. 2-трамвай депоси
4. 3-трамвай-троллейбус депоси
5. 2-троллейбус депоси
6. Бажарилган транспорт хизматлари сифатини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бошқармаси
7. «Йоловчитранссервис» ягона хўжалик хисобидаги марказ
8. Йўл хизмати
9. Энергия хўжалиги хизмати
10. Авария-тиклаш хизмати
11. «Мерседес-Бенц сервис хизмати кўрсатиш маркази» шўъба корхонаси
12. «Тоштатрасервис» техник маркази давлат унитар корхонаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июндаги 277-сон қарорига
2-ИЛОВА

Акцияларининг давлат пакетлари «Тошхаҳарийўловчитранс» акциядорлик компаниясининг устав жамғармасига бериладиган акциядорлик жамиятлари рўйхати

1. «Биринчи автокорхона» ОАЖ
2. «2-автобус саройи» ОАЖ
3. «3-автобус саройи» ОАЖ
4. «4-автобус саройи» ОАЖ

5. «5-автокорхона» ОАЖ
6. «7-автокорхона» ОАЖ
7. «8-автосарой» ОАЖ
8. «12-автобус саройи» ОАЖ
9. «18-автобус саройи» ОАЖ

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 277-сон қарорига
2а-ИЛОВА

**Давлат активлари сотилгунга қадар «Тошшаҳарйўловчитранс»
акциядорлик компаниясиға ишончли бошқарувга бериладиган
корхоналар ва ташкилотлар рўйхати**

T/p	Корхоналар номи	Давлат улуши, %
1.	«2-автомобилинот» ОАЖ	25,0
2.	«Ипак йўли автотранс» ОАЖ	6,0
3.	«Элтранстаъминот» МЧЖ	35,2
4.	«Трамвайчи» болалар согломлаштириш оромгоҳи	100
5.	«Автомобилчи» болалар согломлаштириш оромгоҳи	100
6.	Стрельцов номидаги болалар согломлаштириш оромгоҳи	100

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июндаги 277-сон қарорига
3-ИЛОВА

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 11 июнданги 277-сон қарорига
4-ИЛОВА

**«Тошхаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг ижро этувчи
аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 54 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 37 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 11 июндаги 277-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари

1. Вазирлар Махкамасининг «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси («Тошсаҳарйўловчитранс») фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1992 йил 5 июндаги 266-сон қарорининг 1, 2, 3 ва 10-бандлари.

2. Вазирлар Махкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 19 августдаги 291-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши, 3 ва 5-бандлари ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

275 Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш рес- публика агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдарни тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг мулкий ҳуқуқларини тузилган шартномалар асосида амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига йўл кўймаслик ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек ушбу асарлар муаллифларини рўйхатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси худудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар обьектидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар хисобини юритиш;

муаллифларнинг, уларнинг ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан чет элларда, белгиланган тартибда ифодалаш;

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш республика агентлиги аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш республика агентлиги тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш республика агентлиги ходимларининг чекланган умумий сони 17 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 10 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш республика агентлиги бош директорига, зарурат бўлганда, агентлик тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсин.

4. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Бутуниттифоқ муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш вакилларининг Ўзбекистон бўлимини Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик хукукини ҳимоя қилиш вакиллиги (агентлиги)га айлантириш тўғрисида» 1992 йил 30 январдаги 38-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 30 январдаги 38-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1994 йил 13 августдаги 413-сон қарори ўз кучини ўқотган деб хисоблансин.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 июнь,
286-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 16 июндаги 286-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги аппарати тузилмаси



Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги ходимларининг чекланган умумий сони — 17 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 10 киши;
ишлаб чиқариш ходимлари (инспекторлар) — 4 киши;
ёрдамчи ходимлар — 3 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 16 июндаги 286-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун маҳсус ваколатли давлат бошқарув органи хисобланади.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ҳисоб беради.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонуларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа ҳужжат-

ларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро хамкорликда амалга оширади.

4. Агентликнинг моддий-техника таъминоти, шунингдек Агентлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартнома асосида ижодий уюшмалар жамғармаларига маблағлар йиғишида Агентлик томонидан олинадиган воситачилик ажратмалари, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Харажатлар даромадлардан ошиб кетган тақдирда тафовут давлат бюджети ҳисобига қопланади.

5. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг мулкий ҳуқуқларини тузилган шартномалар асосида амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича зарур чоратадбирлар кўриш;

фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек ушбу асарлар муаллифларини рўйхатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар обьектидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобини юритиш;

муаллифларнинг, уларнинг ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан чет элларда, белгиланган тартибда ифодалаш;

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

7. Агентлик ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритади;

муаллифлардан, уларнинг ҳуқуқий ворисларидан ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларидан олинган ваколатлар доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар обьектларидан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузади;

тузилган шартномалар асосида муаллифлик пулини тўплаш, тақсимлаш ва муаллифларга, уларнинг ҳуқуқий ворисларига ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларига тўлашни амалга оширади;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқларини амалга оширишга қўмаклашади;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг қонуний манфаатларини, шу жумладан чет элларда, ифодалайди;

муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик ва бузилган тақдирда уларни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради;

Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек ушбу асарлар муаллифларини рўйхатдан ўтказади, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида белгиланган намунада гувохнома беради;

Ўзбекистон Республикаси худудида муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар обьектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобини юритади;

муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги хорижий қонун хужжатларини ҳамда уларни қўлланиш тажрибасини ўрганади;

муаллифларнинг, улар ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар обьектига мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи хорижий ташкилотлар билан ўз ваколатлари доирасида битимлар ва шартномалар тузади;

муаллифларнинг, улар ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар обьектига мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятига қўмаклашади;

халқаро ва бошқа ташкилотлар томонидан муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича ўтказиладиган илмий анжуманларда, симпозиумларда, конференцияларда, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашади;

муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича илмий конференциялар, семинарлар, курслар ва бошқа тадбирлар ташкил қиласди.

III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Агентлик ёзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, хужжатлар ва материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа ваколатли давлат органлари билан муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги бузилишларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

муаллифлар ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга доир масалалар бўйича манфаатларини суд органларида ифодалаш;

муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича эксперт хulosалири бериш;

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-методик ва ахборот материаллари ҳамда бошқа нашрларни чоп этиш ва тарқатиш; муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари, бошқа муаллифлик ҳуқуқлари ва

турдош ҳуқуқлар эгалари ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчилар ўртасида шартномалар тузишда, тегишли ваколатларни беришда воситачилик қилиш.

Агентлик қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Агентлик ўз ваколатлари доирасида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-хукукий хужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик, зарур холларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан кўшма қарорлар ва бошқа хужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

11. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигига қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қиласи.

Бош директорнинг бир нафар ўринбосари бўлади.

Бош директор мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

12. Агентлик бош директори:

Агентлик фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қиласи ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Агентлик тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида штатлар жадвалини, шунингдек Агентлик харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентлик ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи.

Бош директор қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Агентлик ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш учун жойларда ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида инспекторларга эга бўлиши мумкин.

14. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

276 Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидала- рига қўшимча киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Қоидаларининг 60-бандига кўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

«аэропортларга, темир йўл вокзалларига ва автостанцияларга ёндош ҳудудларда, жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида жойлашган кўчма ва турғун чакана савдо объектларидан»;

ўн биринчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 июнь,
288-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНГ
ҚАРОРИ

277 Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик битимлари имзоланган мамлакатлар рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
14 июнда 426-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 24 июндан кучга киради)

2001 йил 19 июнда Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси Ҳукуматлари ўртасида тузилган Савдо тўғрисидаги битимнинг 2003 йилнинг 14 августда кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қила-ди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1998 йил 1 апрелда, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 апрелда 23-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 3 апрелда 02/19-2-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 426, 1998 йил 8 апрель) Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига* қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи
ўринбосари Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 29 апрель,
НН-01 / 10-1693-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 апрель,
71-сон

* Рўйхат рус тилидаги матнда берилади.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 апрель,
01-02 / 1-25-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

278 *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида тузиладиган бартер контрактлари (шартномалари, битимлари)ни рўйхатдан ўtkазиш тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
14 июнда 989-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 24 июндан кучга киради)

«Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги ПФ-3151-сон Фармони, «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 1 октябрдаги 420-сон қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 30 июнда ЭГ-01/12/3411, 79, 02/20-34-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида тузиладиган бартер контрактлар (шартномалари, битимлари)ни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (2000 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 989-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 23-сон) иловага* мувофиқ ўзгартришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи
ўринбосари Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 5 май,
НН-01 / 10-1325-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 5 май,
72-сон

Давлат божхона қўмитасининг раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 5 май,
01-02 / 19-26-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ**

279 **Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини тартибга солиниши муносабати билан уларнинг устав фондларини қайта ҳисоблаш услубиётини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

(2004 йил 14 июнда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва ахамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси **қарор қилади**:

Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини тартибга солиниши муносабати билан уларнинг устав фондларини қайта ҳисоблаш услубиёти (1998 йил 27 марта, рўйхат рақами 413-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**Давлат Мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 3 июнь,
01/06-11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**280 Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни
биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
14 июнда 1369-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 24 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувоффик **карор қиласи**:

1. Илова* қилинаётган Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 11 май,
5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

281 Қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
14 июнда 860-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 24 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда тасдиқланган Қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга (1999 йил 28 декабр, рўйхат рақами 860-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофик тасдиқлансин.

2. Ушбу бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
Бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 3 июнь,
2004-10-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**282 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол
товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғриси-
даги низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида**

(2004 йил 14 июнда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида», 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида 380-сон, 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон, 2003 йил 28 июндаги «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 330-сон, 2003 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уларнинг айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 446-сон қарорларига мувофиқ **қарор қиласиз:**

2002 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2002-71 ва Давлат божхона қўмитасининг 02/20-35-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисида-даги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2002 йил 31 август, рўйхат рақами 1169-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 4 июнь,
2004-38-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 4 июнь,
01-02/8-27-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

283 Оилавий болалар уйи тўғрисидаги низомни тасдиқ-лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
17 июня 1370-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 27 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 19 майдаги 237-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида»ги низомга асосан, **буюраман:**

1. Оилавий болалар уйи тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 31 марта «Оилавий меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқ-лаш ҳақида»ги 56-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Аҳлиддинов зиммасига юклатилсин.

Халқ таълими вазири Т. ДЖУРАЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 июнь,
125-сон

Халқ таълими вазирининг
2004 йил 17 июндан 125-сон буйруғи
билин
ТАСДИҚЛАНГАН

Оилавий болалар уйи тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Оилавий болалар уйи маълум бир маҳалла (мавзе, қишлоқ, овул) ҳудудида жойлашган бўлиб, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар учун мўлжалланган тарбия масканидир.

Оилавий болалар уйларининг асосий вазифаси оила мухитидан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, ақлий, психологик ривожлантириш, ижтимоий меҳнатга мослаштириш, уларни комил инсон қилиб шакллантиришни таъминлаш, ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иктисодий турмуш тарзини қарор топтиришда оила шарт-шароитларини яратишдан иборатdir.

2. Оилавий болалар уйлари туман (шахар) ҳокимликларининг халқ таълими

бўлимлари томонидан шу бўлимлар қошидаги васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсиясига кўра ташкил этилади ҳамда уларнинг (ХТБ ларининг) доимий назоратида бўлади.

3. Оилавий болалар уйлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларига, хукумат қарорларига, фармойишларига ва бошқа меъёрий хужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

4. Битта оилавий болалар уйида тарбияланувчиларнинг сони 5 нафардан кам бўлмаган ва 7 нафардан кўп бўлмаслиги керак. Болалар уйи тарбияланувчиларнинг таълим олиши ва уларнинг соғлиги туман (шахар) ҳалқ таълими, соғлиқни саклаш бўлимлари назоратида бўлиши керак.

II. Таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш

5. Оилавий болалар уйи тарбияланувчиларининг таълим олиши яқин жойлашган мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицеилар, касб-хунар коллежларида амалга оширилади.

6. Етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар таълим-тарбияси, касб танлаш ишлари, болалар келажагини белгилаш билан боғлиқ бошқа масалалар улар билим олаётган таълим-тарбия муассасаси раҳбарияти, педагоглар жамоаси, оилавий болалар уйини ташкил этган туман (шахар) ҳалқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи ва тарбиячи ота-оналар томонидан ҳамкорликда ҳал этилади.

7. Оилавий болалар уйларидаги таълим-тарбия ишлари етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг руҳий-физиологик ривожланишнинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда демократик ва инсонпарварлик, таълимга қўйилган замонавий талаблар асосида, ўкув дастурларини, маънавий, жисмоний ва меҳнат тарбиясининг амалдаги тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилади.

8. Оилавий болалар уйининг тарбиячи ота-оналари Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунларга асосланган ҳолда болаларни саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг хукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг келажак хаёти ва турмушини ташкил этиш ва шу мақсадда самарали усуслар танлашда мустакилдирлар.

III. Тарбияланувчилар

9. Оилавий болалар уйларига туман (шахар) ҳалқ таълими бўлимлари қошидаги васийлик ва ҳомийлик органлари йўлланмасига биноан етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар қабул қилинади:

10. Оилавий болалар уйига 3 ёшдан 14 ёшгacha бўлган ҳамда руҳий ривожланишида нуқсони бўлмаган болалар жойлаштирилади.

11. Оилавий болалар уйларига юбориладиган ҳар бир боланинг қуидаги ҳужжатлари васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан оилавий болалар уйига тақдим этилади:

ҳокимликнинг етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасаларига жойлаштириш ҳақидаги қарори (қарорда балогатга етмаган бола, унинг оиласи ижтимоий келиб чиқиши, фаолияти ҳақида асосланган, тўлиқ маълумотлар бўлиши шарт);

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, гувоҳнома бўлмаган тақдирда боланинг ёшини тасдиқловчи тиббий экспертиза хulosаси;

боланинг соғлиғи ҳақидаги ҳужжат (тиббий текширишлар, жумладан, психоневролог, нарколог, тери-таносил касалликлари бўйича врач кўриклари, ташхис на-тижалари илова қилинади);

маълумоти ҳақида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

болаларнинг ота-онаси ҳақида маълумот (ота-онасининг вафоти ҳақидаги гувохнома нусхаси, суднинг ҳукми ёки қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки қидирувда эканлиги ҳақида, ота-онасининг йўклиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги бошқа ҳужжатлар);

боланинг турмуш шароити ва тарбияси ҳақидаги васийлик ва ҳомийлик органлари комиссиясининг текширув далолатномаси;

боланинг ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа яқин қариндошлари мавжудлиги ва уларнинг яшаш жойлари ҳақида маълумотнома;

боланинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар бор бўлса, рўйхати, бу мулкнинг қаерда жойлашганлиги, уни сақлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва уларни сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақида маълумот);

болаларга турар жой бириткирсанлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алиментлар ундириш ҳақидаги суд қарори ва омонат дафтарчаси.

12. Оилавий болалар уйларидан чиқиб кетаётган тарбияланувчиларга қўйида-ги ҳужжатлар берилади:

туғилганлик тўғрисидаги гувохнома, 16 ёшга тўлганда эса паспорт;

оилавий болалар уйларида бўлганлиги ҳақидаги маълумот;

соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);

маълумоти ҳақидаги ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

ота-онаси ёки яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотнома;

боланинг мол-мулки, пул маблағларига, турар жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафттарчалари, алиментлар ундириб олиш тўғрисидаги ижро варакаси ва шахсий ҳужжатлар йиғма жилдидан бошқа ҳужжатлар;

боланинг моддий ва пул нафақаси олганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Юқоридаги ҳужжатлар оилавий болалар уйи ота-оналарининг талабларига му-воғиқ туман (шахар) халқ таълими бўлимларидан берилади.

13. Тарбияланувчиларни фарзандликка берилаётганда ёки ўз ота-оналари, яқин қариндошлари ёнига қайтиб бораётганида оилавий болалар уйидан чиқариш васийлик ва ҳомийлик органлари орқали амалга оширилади. Оилавий болалар уйида тарбияланётган болаларнинг яқин қариндошлари билан учрашиши фақат васийлик ва ҳомийлик органлари рухсати билан амалга оширилади.

14. Оилавий болалар уйига болаларни жойлаштириш ушбу болалар уйи ва ту-ман (шахар) халқ таълими бўлимларининг васийлик ва ҳомийлик органлари ўрта-сида тузилган келишув асосида амалга оширилади.

15. Оилавий болалар уйига 5 нафардан кам бўлмаган ва 7 нафардан кўп бўлма-ган сонда болалар берилиши мумкин. Тарбиячи ота-оналарнинг ўз фарзандлари хам оилавий болалар уйи тарбияланувчилари билан бирга тарбияланади. 10 ёшга тўлган болаларни оилавий болалар уйига жойлаштириш учун боланинг розилиги олинади.

16. Оилавий болалар уйига жойлаштириш вактида уни этник жиҳатдан келиб чиқиши, миллати, тили ва соғлиғига эътибор берилиши лозим. Бир тилда гаплаша-диган болаларни битта оилавий болалар уйига жойлаштириш мақсадга мувоғиқдир. Бир оиласда тарбия кўрган ака-ука, опа-сингилларни бир-биридан ажратиш тавсия этилмайди.

17. Оилавий болалар уйларида тарбияланувчиларнинг яшаси, тарбияси ва билим олиши тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Оилавий болалар уйида тарбияланаётган болалар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериладиган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланадилар ва ишга жойлашишларига қадар давлат томонидан таъминланадилар.

18. Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-кувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг З-банди оилавий болалар уйларининг тарбияланувчиларига ҳам тааллуқлидир.

19. Оилавий болалар уйларининг тарбияланувчиларини ўқишига ва ишга жойлашишига маҳаллий ҳокимликлар кўмаклашадилар.

IV. Болаларни оилавий болалар уйига қабул қилиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш

20. Тарбиячи ота-она бўлишни истаган фуқаролар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органларига ўзларига тегишли қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

тарбиячи бўлиш истагини билдирган ота ёки онанинг аризаси;
барча оила аъзоларининг фикр ва мулоҳазалари;
маҳалла кенгашидан турар жойи, яшаш шароити, оилавий муҳити ҳақида маълумот;
шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);
оилавий болалар уйи тарбиячи ота-оналарининг никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
оилавий болалар уйи тарбиячи ота-оналарнинг маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси;
оилавий болалар уйи тарбиячи ота-оналарнинг меҳнат дафтарчасидан нусха;
иш жойидан тавсифнома;
оила аъзоларининг соғлиғи ҳақида тиббий маълумот;
яшаш майдони ҳақида маълумот.

21. Васийлик ва ҳомийлик органлари бир ой ичидаги ҳужжатлар асосида масалани кўриб чиқади ва ҳал этиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошидаги тиббиёт, ҳукуқ-тартибот, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ходимларидан ташкил этилган комиссияга тақдим этади.

22. Васийлик ва ҳомийлик органлари тарбиячи ота-оналарни узлуксиз малакасини ошириш масалалари билан шуғулланади ва болалар билан олиб борилаётган оилавий таълим-тарбия ишларини 6 ойда бир маротаба текшириб боради.

V. Оилавий болалар уйи тарбиячи ота-оналарининг ҳуқуқ ва бурчлари

23. Оилавий болалар уйининг тарбиячи ота-оналари Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияда ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, хеч қандай камситишларсиз, оилавий болалар уйида тарбияланаётган боланинг ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ахволи,

соғлиғи ва туғилиши ёки бирон-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қиласылар ҳамда шу ҳуқуқларни тарбияланувчиларга таъминлаб берадилар.

24. Тарбиячи ота-оналар (эр-хотин) боланинг тарбияси учун масъул хисоблашади.

25. Тарбиячи ота-она Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, 25 ёшга тўлган, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган, соғлом ва маънавий комил инсон бўлиши шарт. Тарбиячи ота-она ва тарбияланувчи болалар орасида ёш тафовути 15 ёшдан кам бўлиши мумкин эмас.

26. Тарбиячи ота-она бўлиши мумкин бўлмаган шахслар:
суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар;
суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

27. Тарбиячи ота-она, амалдаги қонунлар доирасида «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» қоидаларини бузмаган ҳолда болалар уйи тарбияланувчиларини мустақил тарбиялаш услубидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28. Тарбиячи ота-она ўз вазифасини бажараётган вақтида бола тарбиясига жисмонан ва рухан соғлиғига зарар кўрсатмаган ҳолда эътибор бериши керак. Тарбия жараёнинда болага қўпол муомалада бўлиш ёки унинг шахсини камситиш ҳолатлари бўлиши қатъян ман этилади.

29. Тарбиячи ота-она бола учун ўқув юртини танлаши, ўқиши учун ҳамма шароитларни яратишда кўмаклашади.

30. Тарбиячи ота-она болани ҳар томонлама таълим олишига ва соғлиғи учун масъул.

31. Тарбиячи ота-она ўз мажбурияти ва бурчларини бузган ҳолда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

32. Оилавий болалар уйига берилаётган моддий ёрдам фақат унда тарбиялананаётган болалар эҳтиёжи учун сарф килиниши керак.

33. Тарбиячи ота-она 1 йилда 1 маротаба туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органига болаларнинг соғлиғи, олиб борилаётган тарбиявий ишлари ва келиб чиққан муаммолар ҳамда ҳудудий молия бўлимларига молиявий харажатлар ҳақида умумий ҳисобот бериши шарт, шунингдек ўзи яшайдиган маҳалла кенгашига ҳам ахборот бериб боради.

34. Тарбиячи ота-она узок муддат касал бўлиб қолган ёки вафот этган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи оилавий болалар уйига барча тегишли хужжатларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, бошқа шахсларни (ўша оила аъзосидан) раҳбар этиб тайинлаш ҳуқуқига эга.

35. Тарбиячи ота-она дам олиш ва соғломлаштириш муассасаларига маҳаллий ҳокимлик ва унинг бўлинмалари, касаба уюшмалари томонидан ажратиладиган оилавий йўлланма олиш ҳуқуқига эга.

VI. Молиявий-хўжалик фаолияти

36. Оилавий болалар уйларининг биноси техника хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

37. Оилавий болалар уйларини маблағ билан таъминлаш маҳаллий бюджетлар ва ҳомийлар томонидан ажратилган хайрия ёки ҳомийлик маблағлари ва қонунчилик билан таъкиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

38. Оилавий болалар уйининг харажатлари у жойлашган худуддаги туман ёки

шахар молия бўлимлари томонидан маҳаллий бюджетлар ҳисобига молиялаштирилади.

Молиявий маблағлар бир йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида ушбу муассаса жойлашган худуддаги туман ёки шахар ҳалқ таълими бўлимлари орқали оиласий болалар уйининг ота-оналаридан бирининг номига очилган банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш ўёли билан ажратилади.

Оиласий болалар уйининг харажатларини қоплаш тарбиячи ота-оналарнинг хошигига кўра нақд пул ёки пул ўтказиш ўёли билан амалга оширилади. Оиласий болалар уйи учун йил давомида ажратилган ва сарф қилинмаган маблағлар, қисқартирилмасдан кейинги йил ҳисобига ўтказилади.

39. Оиласий болалар уйлари тарбиячи ота-оналарининг иш ҳақлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Мехрибонлик уйлари» тарбиячилари иш ҳақларига қўлланиладиган меъёрлар (иш ҳақига қўшимчалар билан биргаликда) асосида ҳисоб-китоб қилиниб, тўланади.

40. Оиласий болалар уйлари тарбияланувчиларини кийим-бош, пойабзal, юмшоқ жиҳозлар, шахсий гигиена жиҳозлари, ўйинлар билан таъминланиш харажатлари «Мехрибонлик уйлари» га қўлланадиган меъёрлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

41. Оиласий болалар уйлари ташкил қилинган хонадонларнинг коммунал хизматлар (табиий газ, иссиқ сув, совуқ сув, оқова ва уй-жойдан фойдаланиш учун тўловлар) ва электроэнергия харажатлари асосан бюджет харажатлари орқали қопланади. Ушбу харажатлар учун ҳомийлар ҳисобидан мақсадли маблағлар ажратилиши мумкин.

42. Оиласий болалар уйлари тарбияланувчилари «Тўлиқ давлат таъминотидағи етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош, пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомда (2002 йил 11 ноябрь, рўйхат рақами 1187-сон) белгиланган тартиб бўйича, бюджет маблағлари ҳисобига транспорта имтиёзли юриш ҳуқуқини берувчи карточкалар ҳамда таълим муассасаларини битириб чиқаётганда ва ишга жойлашаётганда кийим-бош пойабзal ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар билан таъминланадилар.

43. Бюджетдан ажратилган маблағларнинг ҳисоб-китоби оиласий болалар уйлари учун энг соддалаштирилган кўринишда, яъни маблағларнинг ҳисоб рақамига келиб тушиши ва харажат қилинишини акс эттириш ўёли билан амалга оширилади. Ушбу ҳисбот ҳар ойда тегишли шахар ёки туман ҳалқ таълими бўлимига топширилади.

Шахар ёки туман ҳалқ таълими бўлимлари марказий ҳисобхоналари оиласий меҳрибонлик уйларида ҳисоб-китоб ишларини юритилишида ва банк муассасалари билан муомалаларида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатишлари шарт.

VII. Оиласий болалар уйи фаолиятининг тугатилиши

44. Оиласий болалар уйининг фаолияти амалдаги қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибда тугатилиши мумкин. Жумладан,

суднинг қарорига биноан;

тарбиячи ота-она аризасига асосан (ота-оналардан биронтаси оламдан ўтган бўлса);

тарбиячи ота-она томонидан болаларга зулм ўтказилаётган ҳолатда;

болалар ўз оиласарига қайтган тақдирда;

тарбиячи ота-оналар соғлиғи билан боғлиқ ҳолатда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЕТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ

**284 «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил
фалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари
ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
18 июнда 1371-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 28 июндан кучга киради)

«Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларнинг 2004 йил фалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизмат ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини ташкил этиш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларнинг 2004 йил фалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда амалда бўлади.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 май,
34-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 май,
79-сон

Иқтисодиёт вазирлиги,
Молия вазирлигининг
2004 йил 31 майдаги
34, 79-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларнинг 2004 йил фалла
ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳақини тўлаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги «2004 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўтишини олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 200-сонли қарорига мувофиқ «Ўзагромаш

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

сервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил фалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизмат ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

1. Адлия вазирлигига 1999 йил 1 марта 657-сон билан рўйхатдан ўтган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хисоб-китоб жамғармаси» маблағлари хисобидан топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун якуний хисоб-китобларда тўловларни амалга ошириш тартиби»га кўра, «Ўздонмаҳсулот» ДАК корхоналарининг 22602-сонли аккредитив хисоб-рақамларидан ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган тўлов хужжатларига мувофиқ якуний хисоб-китоб қилиш учун маблағ йўналтирилади.

2. «Ўзагромашсервис» уюшмасининг МТПлари 2004 йил фалла ўрими бошлангунга қадар фалла топширувчи ширкат ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартномаларга асосан:

ўриладиган фалла майдонларини;

фалла ўрими бўйича бажариладиган ишлар ҳажмларини;

ҳақдорлик ва қарздорликни ҳисобга олган ҳолда талаб этиладиган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар бир ширкат ва фермер хўжалиги қирқимида хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлинмалари орқали Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаларига тақдим этадилар.

Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармалари ушбу маълумотларни жамлаб АТ Фаллабанкнинг вилоят минтақавий филиалларига ва Марказий банкка тақдим этади. Маълумотлар ўз вақтида Марказий банкда ва Республика Фаллабанкнида жамланиб, Молия вазирлиги хузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хисоб-китоби» Жамғармасига тақдим этилади.

3. «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПлари фалла ўрими бошланиши билан ҳар бир ширкат ва фермер хўжалиги майдонини ўришга тушишдан олдин, фалла ўрими бўйича шартномага асосан бажариладиган иш ҳажмини, ҳақдорлик, қарздорликни ҳисобга олган ҳолда далолатнома (1-илова) асосида расмийлаштиради ва ўрим бўйича тегишли хизмат кўрсатади.

Тегишли далолатнома тузилмасдан (ўрим хақи олдиндан 100% тўланган ҳолатлардан ташқари) хизмат кўрсатиш (фалла ўриш) тақиқланади. Ушбу далолатнома фалла ўриб берилгандан сўнг, хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномаларини тақдим этиш учун асос ҳисобланади ва МТП томонидан 1 иш куни муддатида ўзига хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилиши шарт.

4. Туман МТПларига хизмат кўрсатувчи АТ Пахтабанк ва бошқа тижорат банклари бўлимлари (филиаллари) томонидан ҳар 5 кунда мавсум давомида МТПлар бажарган ишлар ҳажми билан улар томонидан қўйилган тўлов талабномаларининг мутаносиблиги назорат қилиб борилади.

5. 2004 йил дон ўрими мавсумида ПК-10 квитанцияларига асосан ширкат(фермер) хўжаликларига ажратиладиган маблағ ҳисобидан туман МТПлари томонидан қўйилган тўлов талабномалари тўланишини мувофиқлаштиш АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармалари томонидан амалга оширилади.

6. Дон етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларида хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлимлари (филиаллари) МТПлар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган тўлов хужжатлари тўғрисидаги маълумотларни (ҳар бир ширкат (фермер) хўжаликлари қирқимида) АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармаларига тақдим этадилар.

АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармалари 1 кун муддатда ширкат (фермер) хўжаликларининг ҳисоб рақамларига ҳақиқатда қўйилган ва уларга хизмат кўрса-

тұвчи банк бўлимлари (филиаллари) томонидан тасдиқланган тўлов талабномалии тўғрисидаги (ҳар бир туман ширкат (фермер) хўжаликлари қирқимида) маълумотларни умумлаштирган ҳолда, вилоят Пахтабанк бошқармалари билан вилоят МТП бирлашмалари томонидан тасдиқланган ҳолда АТ Фаллабанк вилоят минтақавий филиалларига тақдим этади.

7. АТ Фаллабанкнинг тегишли вилоят минтақавий филиаллари ҳар куни «Ўзагромашсервис» уюшмасининг вилоят МТПлар бирлашмаларига, АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармасига ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган ПК-10 квитанцияларига асосан ширкат (фермер) хўжалигига топширилган фалла учун ҳақиқатда тўланадиган маблағ тўғрисидаги маълумотларни туманлар ва ширкат (фермер) хўжаликлари қирқимида тақдим этади.

АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармаси ушбу маълумотларни туман МТПларига хизмат кўрсатувчи ўз бўлимларига ва бошқа тижорат банклари бўлимларига (филиалларига) етказади.

8. АТ Фаллабанкнинг вилоят минтақавий филиаллари топширилган фалла учун ҳақиқатда тақдим этилган тўлов хужжатлари (ПК-10 ва бошқалар) ва АТ Пахтабанкнинг вилоят бошқармаларидан олинган ширкат (фермер) хўжаликларининг ҳисоб ракамларига МТПлар томонидан қўйилган тўлов талабномалари тўғрисидаги маълумотлардан келиб чиқиб МТП хизматлари бўйича тўловлар учун маблағларга талабни аниқлайди.

Ушбу маблағларга талабни аниқлашда мазкур Низомнинг 2-бандига мувофиқ МТПлардан олинган ўриладиган фалла майдонидан келиб чиқиб кўрсатиладиган механизациялашган ишлар ҳажми тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асос ҳисобланади.

9. АТ Фаллабанк ҳар куни Молия вазирлиги хузуридаги Жамғармага 23204-сонли мувакқат ҳисоб раками орқали МТПлар кўрсатган хизмат бўйича тўловлар учун қишлоқ хўжалик корхоналарига йўналтирилиши лозим бўлган маблағлар тўғрисида буюртма беради.

10. Молия вазирлиги хузуридаги Жамғарма АТ Фаллабанкдан олинган буюртмаларга мувофиқ 23204-сонли ҳисоб раками орқали қишлоқ хўжалик корхоналарига босқичма-босқич якуний ҳисоб-китоб бўйича МТПлар кўрсатган хизматлар учун тўловларни амалга оширишга маблағ ажратади.

Ўз навбатида, АТ Фаллабанк тақдим этилган ПК-10 квитанцияларига асосан ҳақиқатда топширилган фалла учун ширкат ва фермер хўжаликларининг 23204-сонли мувакқат ҳисоб ракамларига маблағ ўтказиб беради.

11. 2004 йил фалла ҳосили якуний ҳисоб-китоблари учун ширкат (фермер) хўжаликларининг 23204-сонли мувакқат ҳисоб ракамларига тушган маблағлар тўлов талабномалари белгиланган тартибда акцептлангандан сўнг фалла ҳосилини етишириш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларининг 23204-сонли мувакқат ҳисоб ракамларига ўтказилади.

12. «Ўзагромашсервис» уюшмаси машина трактор паркларининг 23204-сонли маҳсус ҳисоб ракамларига тушган маблағлар Ҳукумат кафолати асосида қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олишга жалб этилган чет эл кредити тўловлари учун тўлиқ ҳажмда туман МТПларидан тўғридан-тўғри ва вилоят МТПлари бирлашмалари орқали «Таъминотчи-Пахта» акциядорлик жамиятига ва «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАК га йўналтирилади.

«Таъминотчи-Пахта» АЖ ва «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАКнинг 23204-сонли маҳсус ҳисоб ракамларига келиб тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда чет эл кредити бўйича қарзларни сўндиришга йўналтирилиши шарт.

13. Топширилган фалла учун ширкат (фермер) хўжаликларининг бошқа ҳисоб

ракамларига маблағ йўналтириш, «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПлари 2004 йил фалла хосилини ўриб олишда кўрсатган хизматлари хақлари тўлаб берилишидан келиб чиқсан холда Жамғарма томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

14. Ушбу Низомга асосан, жойларда ишни ташкил этишга Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 26 январдаги (03-28-15-сонли) баёнига мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб берилган моддий ресурслар учун хисоб-китобларни амалга ошириш бўйича худудларга биректирилган раҳбарлар, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича эса «Ўзагромашсервис» уюшмаси раиси (Нишонов) масъул этиб тайинланади (2-илова*).

15. Ушбу Низомга риоя этилиши бўйича жавобгарлик шахсан МТП ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлим раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

16. Ушбу Низом талабларини бузилишида айборд бўлган фермер ва ширкат хўжаликлари, «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари бўлим раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига мувофиқ жавобгарлика тортиладилар.

Марказий банк Раиси биринчи ўринbosари М. ЖУМАГЕЛДИЕВ

Жамғарма директори С. АБДУЛЛАЕВ

«Ўзагромашсервис» Уюшмаси раиси Ш. НИШАНОВ

АТ «Пахтабанк» Бошқаруви раиси К. ТОШМАТОВ

«Ўздонмаҳсолот» ДАК раиси И. НАЖМИДДИНОВ

АТ «Фаллабанк» Бошқаруви раиси И. ЎРИНБОЕВ

* 2-илова берилмайди.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил ғалла ҳосилини ўриш бўйича кўрсатган хизматлари ҳакини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

3 нусхада тўлдирилади
1 нусха бажарувчига
1 нусха буюртмачига
1 нусха банкга тўлов талабнома қўйишга

Бажарувчи: _____ туман МТП АЖ
Буюртмачи: _____
номи _____ фермер, ширкат
_____ Кўргон

2004 йил «___»
№ ____ сонли шартномага асосан бажарилган иш (хизмат)лар бўйича

ДАЛОЛАТНОМА № ____ 2004 йил «___» _____

Бажарилган иш тури	Техникани		Ғалла ўрилган майдон (га)	Бир гектар ғалла майдонини ўриш баҳоси, сўм	Жами суммаси, минг сўм
	русуми	Завод рақами			
Ғалла ўриш					
Жами:					

Тўланиши керак бўлган сумма _____
(сумма сўз билан ёзилади)

Дизел ёқилғиси сарфи буюртмачи ҳисобидан _____ литр, _____
(сумма сўз билан)

2004 йилни «___» _____ холатига _____ сўм _____ ширкат (фермер)
хўжалигининг МТПдан бўлган _____ минг сўм қарзини (ҳакини) ҳисобга олган ҳолда
жами _____ минг сўм (_____)
(сумма сўз билан ёзилади)

_____ тўлаб беришга келишилди.

Бажарувчи:

_____ туман МТП ОАЖ
Бошқарув раиси _____ (Ф.И.Ш) _____ (имзо)
Бош ҳисобчи _____ (Ф.И.Ш) _____ (имзо)
Оператор _____ (Ф.И.Ш) _____ (имзо)

М.Ў.

Буюртмачи:

_____ ширкат (фермер)
Хўжалик раҳбари _____ (Ф.И.Ш) _____ (имзо)
Бош ҳисобчи _____ (Ф.И.Ш) _____ (имзо)

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 11 июндан 18 июнгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иктисодий ҳамкорлик битимлари имзоланган малакатлар рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 29 апрелдаги НН-01 / 10-1693, 71, 01-02 / 1-25-сон қарори.

2004 йил 14 июнда 426-З-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 июндан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузиладиган бартер контрактлари (шартнома, битимлари)ни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар китириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 5 майдаги НН-01 / 10-1325, 72, 01-02 / 19-26-сон қарори.

2004 йил 14 июнда 989-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 июндан кучга киради).

3. «Монопол маҳсулотлар, хом аше ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитасининг 2004 йил 11 майдаги 5-сон қарори.

2004 йил 14 июнда 1369-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 июндан кучга киради).

4. «Қимматли қофозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши маркази бош директорининг 2004 йил 3 июндаги 2004-10-сон бўйруғи.

2004 йил 14 июнда 860-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 июндан кучга киради).

5. «Оилавий болалар уйи тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2004 йил 17 июндаги 125-сон бўйруғи.

2004 йил 17 июнда 1370-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 27 июндан кучга киради).

6. «Ўзагромашсервис» уюшмаси МТПларининг 2004 йил фалла ҳосилини ўриш

бўйича кўрсатган хизматлари хақини тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004 йил 31 майдаги 34, 79-сон қарори.

2004 йил 18 июнда 1371-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 28 июндан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини тартибга солиниши муносабати билан уларнинг устав фондларини қайта хисоблаш услубиёти (1998 йил 27 март, рўйхат рақами 413). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2004 йил 14 июндаги 135-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

2. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисида низом (2002 йил 31 август, рўйхат рақами 1169). Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2004 йил 14 июндаги 138-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги конунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси (13/1-9936-сон), «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг (БА-22-сон) 2003 йил декабрдаги қўйшима хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирманган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юкорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идораларга ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижордан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

